

ТОКЗОРЛАРДА ЎСТИРУВЧИ МОДДАЛАРДАН Фойдаланишнинг ҳосилдорлик ва сифатли майиз Олишга таъсири

¹Исмоилов Отабек Адхамович

Ўсимликлар генетик ресурсари илмий тадқиқот институти Андижон
илмий тажриба станцияси илмий ходими,

²Исмоилова Зулайхо Абдулхамид қизи,

³Бахромова Рухсора Аброржон қизи

АҚХИ УЗУМЧИЛИК таълим йўралиши 2-босқич талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7523865>

Аннотация

Мақолада Ўсимликлар генетик ресурсари илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси узумнинг кишмишбоп навларидан Қора Кишмиш навига ўстирувчи моддалардан қўллаш усуллари ва муддатларини ҳосилдорлик ва сифатли майиз олишга таъсири бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: узум навлари, ўстирувчи гибберелин гибберсиб Дроп моддалардан, ҳосилдорлик. Сифат кўрсаткичлари, майиз меваси

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, сохага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ -5200-сонли қарорига мувофиқ

Мамлакатимизда узумчиликни янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, алкоголь бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицион жозибadorлигини ошириш, шунингдек, виночилик туризмини (энотуризм) ривожлантириш мақсадида

Кейинги йилларда кимё саноати, ўсимликлар микробиологияси ва физиологиясининг ривожланиши натижасида узум ҳосили ва сифатини яхшилаш мақсадида ўстирувчи моддалардан фойдаланиладиган бўлди. Ҳозир бир неча минг ўстирувчи моддлар хили маълум. Кимёвий таркиби ҳамда микробиологик табиатига кўра, улар турлича таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, асосан, стимуляторлар, ингибиторлар ва цитокинетик таъсир кўрсатувчи препаратларга бўлинади. Уларнинг ток ўсимлигига таъсирини ўрганиш 60-йиллар-нинг бошларида Украина Арманистон, Россия, Ўзбекистон ва собиқ итти

фоқнинг бошқа республикаларида бошланган. Ўстирувчи моддаларни қўллаш АҚШ, Болгария, Италия каби узумчилик ривожланган мамлакатларда атрофлича ишлаб чиқилган ва бу борада катта тажриба орттирилган.

Ўстирувчи моддалардан узумчиликда фойдаланиш бўйича Ўзбекистонда академик Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Самарқанд филиали (К.В.Смирнов, Е.П.Перепелицин), Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР) нинг Ўрта Осиё станцияси (М.С.Журавель, А.И.Фролов; ҳозир Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти), Тошкент Давлат аграр университетининг мевачилик ва узумчилик кафедраси (М.Р.Мусамуцамедов), Россияда К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академиясининг узумчилик кафедраси (К.В.Смирнов, Е.П.Перепелицин, С.Н.Саленков, А.К.Ражабов ва б.) олимлари маълум тажриба ортирганлар.

Тажриба тизими. Озиқантириш меъёрлари 4та вариантда қуйидагича ўрганилди; 1- назорат варианты 2-вариант гибберелин биостумляторининг 100 л 25 гр эритмаси 3-вариант гибберсиб биостумляторининг 100 л 25 гр эритмалари 4-вариант Гибберелин ва Дроп 100 л 25-10 гр эритмалари олинди.

Тажрибадаги вариантларни делянкаларга жойлаштиришда тасодифий услубдан фойдаланилди, қайтариқлар сони 4 та.

Тадқиқот натижалари Мазкур тажриба натижалари Узумнинг гуллаш даврида Гибберелин ва Дроп биостумляторларини биргаликда қўллашнинг ҳаммасидан юқори самарали эканлигини кўрсатди (1-жадвал). Бўз тупроқларда мазкур биостумляторни ҳар хил меъёрларда қўллашнинг самарадорлик ўлчамлари турлича бўлди. Суғориладиган типик бўз тупроқларда Гибберелин биостумляторни 100 л 25 гр дан қўллашнинг узум ҳосилининг янада ошишини таъминлади. Натижада 14.9 ц/га максимал қўшимча ҳосил олинди. Натижада назорат вариантга нибатан 2 % юқори майиз олишга эришилди. Гибберелин ва Дроп 100 л 25-10 гр меъёрида эса бу кўрсаткич 33.2 ц/га ни ташкил этди майиз олиш самарадорлигиэса назорат вариантга нисбатан 2.7 % юқори аниқланди.

1-жадвал

Турли типдаги тупроқ шароитларида минерал ўғитлар қўллаш меъёрини узумнинг Кишмишбоп навлари ҳосилига таъсири

Вариантлар	Суғориладиган бўз тупроқларда (Қора Кишмиш нави мисолида)						
	Ҳосилнинг пишиш	Бир бош узумнинг	Мевасининг	Умумий ҳосил	Қўшимча	Канд микдор	Олинган майиз

	вақти	вазин гр	вазини	ц/га		и	миқдори %
Ўстирувчи моддасиз (ст)	25.08	230.2	1.5	256.3	-	22.1	23.6
Гибберелин 100 л 25 гр	15.08	262.9	1.9	271.2	14.9	23.5	25.6
Гибберсиб 100 л 25 гр	20.08	248.3	1.7	265.7	9.4	24.6	24.8
Гибберелин+дроп 100 л 25+10 гр	10.08	290.8	2.1	289.5	33.2	25.9	27.3

Суғориладиган бўз тупроқларда Гибберсиб 100 л 25 гр меъёрда берилганда қўшимча ҳосил 7,9 тоннани ташкил этди, яъни бўз тупроқларда ўғитларни айнан шу меъёрларда берилгандагига нисбатан деярли икки баробар кам бўлди.

Хулоса. Шундай қилиб, олган маълумотларимизга кўра суғориладиган типик бўз тупроқларда уларнинг унумдорлиги ва олинадиган ҳосил ўлчамига боғлиқ равишда биостумляторларни узумнинг гуллаш даврида қуйидаги миқдорда бериш лозим: Энг юқори самарадорликка гибберелин ва дронинг 100 л сувга 25+10 биргаликда қўллашда эришилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абдуллаев Р.М, Мирзаев М.М, НабиевУ.Я, Аброров Ш.М, Бекчанов У.А. Махмудов Ғ.Ғ – Узум етиштириш ва майиз қуритишнинг замонавий технологияси. “Шарқ” нашриёт-матбаа Акциядорлик компанияси бош тахририяти Тошкент-2013. – 101-111 б
2. Мирзаев М., Жавакянц Ю.М. Томорка токзори. – Тошкент, 1991. - 30 б.
3. Мирзаев М.М, Темуров Ш. Мевачилик ва узумчилик. – Т.: Мехнат, 1977. – 26-35 б
4. Ш.Темуров Узумчилик Тошкент-2002